


**ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА**

- Узбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов АҚШ давлат қотибонинг Узбекистонда ташир буюрган махсус вакили Н. Сағдо, АҚШнинг Узбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Майкл Мозер ҳамда АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси қотибаси Дария Фейнини қабул қилди.
- Хитой Коммунистик партиясининг Козогистон Социалистик партиясининг XIX курултойида қатнашган делегацияси Ватанига қайта туриб Тошкентда тўхтаб ўтди. Делегация илтимосига биноан ХКП вакиллари Узбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди.
- Наврўз байрамини ўтказиш республика ташкилий қотибонинг навбатдаги йиғилишида Қоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида Наврўзга тайёргарликнинг бориши ва ўтказиш тартиби, бу байрамдаги хайрият тадбирлари, 14 март кунини бўлиб ўтган хайрият шайбалиги ҳисоб-киتابини чиқариш ҳамда бошқа масалалар муҳокамаси этилди.
- Почта алоқаси ва маъбуоти тарқатиш давлат қороналарининг «Узбекистон почтаси» концерни ташкил этилди. Унинг тавсис йиғилишида концернининг низоми қабул қилинди, раҳбарлари сайланди.



**21 март — Наврўз байрами**

## ТОҒ БАҒРИГА ЧИҚИШАДИ

ТОШКЕНТ шахар «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари ҳам барча каби Наврўз байрамини қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Байрам 17 мартдан бошланиб ой охиригача давом этади. Энг катта тантанга бирлашма ҳовлисида бўлади. Бу ерда сулалас, ош ҳамда ҳар хил кўчатлардан пиширилган таомлар дастурхонга қўйилади. Саноят ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш уюштиради.

Бир ой давомиде бирлашманинг Чимёи тоғи бағрида жойлашган дам олиш масканига чиқиш ташкил этилади. Энг муҳими Наврўз арафасида шу ерда ишлаб қарилган таътилга чиққан нафақачилар уруш қатнашчилари ҳамда ногиронлар ҳолидан хабар олинади. Бирлашма уларнинг ҳар бирига 200 сўм миқдорда пул ажратди.

Ғулж ЮСУПОВ.

## ХАЙРИЯ ЙЎЛИДА

УЗБЕКИСТОН Республикаси болалар жамғармасининг Тошкент шахар бўлими Наврўз байрамига бағишлаб хайрият бир тадбир ўтказишяпти. Улар 24 март кунини бир вақтда — соат 12.00 да шахримиздаги унта кинотеатрда хайрият йўлида фильм ва турли томошалар кўйишни мўлжаллашди.

— Уша кун болаларни ҳар бир кинотеатрга бириктириб қўйилган ҳодимларимиз кутиб олишяди, — дейди болалар жамғармаси тарғибот бўлими мудири Татьяна Диевская. — Қизилқумчи бирорта бола бенаиб қолмасин деб ҳудудлар бўйича кинотеатрларни танлаганимиз. «Дўстлик», «Шарк», «Козогистон», «Комил Ерматов», «Лисун», «Москва», «Собир Раҳимов», «Тинчлик», «Фуркат» кинотеатрлари болалар билан ҳамжум бўлади. Мактаб, интернат ва болалар уйларида ўқиб-тарбияланганлар бу тадбирдан хабарсиз қолмасликлари керак.

Турсуной АБРОР қиз.

## ЗИММАЛАРИГА ОЛИШДИ

ТОБОРА ақинлашиб келаятган Наврўз умумхалқ байрамига пойтахтимизда қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Айниқса Сергели районидаги Абдор Ҳидоятов номи ҳамда «Молодость» маданият уйлари жамоаси бу борада асосий вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Улар томонидан байрам кунлари районнинг бир қанча жойларида, жумладан, Қумарик, Қўшқўрғон, Иттифок, Шодлик каби бир қанча маҳаллалар, 2, 32-урта мактаб

## «ОРАЗ» ДАСТУРИ

УЛКАМИЗГА Наврўзи олам қириб келаятгани туғайли болар жамоаларда шодоналар бўлиб ўтмоқда. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олийгоҳида байрамга бағишлаб катта концерт дастури намойиш этилди. Мазкур тадбирни ижтимоий касабалар кулйети қошида фео-

лият юрлётган «Ораз» дастури уюштирди. Шодонада Лутфий, Фузулий, Навоий, Бобур, Нодира, Увайсий, Машраб ва бошқа муқомоз шoirларимиз қўшиқларидан намуналар ижро этилган йиғилганларда катта таасурот қолдириди.

Ғулж ЮСУПОВ.



Александр Резванцев қарийб 24 йилдан бери Тошкент тепловоз-таъмирлаш заводида самарали меҳнат қилиб келади. Унинг бригадаси тепловоз электр жиҳозларини таъмирлайди ва йиғди.

Жамоа ҳозир ўз режаларини 120—130 фозгача ошириб бажараяпти.

СУРАТДА: (чапдан) А. Резванцев бригада аъзолари А. Рибиков, С. Малахов ҳамда А. Понаренколар билан.

## БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

УЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мактабга янги технологияни киритиш мақсадида хайрият ишчи амалга оширишга киришди. Илмий олим ва муҳандисларнинг пойтахтдаги бир неча мактабларини оғалиққа олмоқдалар. Оғалиққа мактабларда эндиликда мактаб муаллимлари билан бир сабабда олимлар ҳам фаолият кўрсатадилар. Шу аснода мактаб ва олимлар болалар ҳамкорлигида мактабдоп компьютерларга дастурлар яратиш режалаштирилмоқда. Кунини кеча илмий олимлари Чилонзор районидаги

## Ҳокимлик мажмуаси раҳбари билан мулоқот

# ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

«ОҚШОМ» саҳифаларида ҳокимлик ижтимоий сўбат мажмуаси раҳбари Карим Расулов билан мулоқот уюштирилиши тўғрисидаги хабарнома эълон қилингандан сўнг муҳарририятда бир ҳафта давомида тошкентликларнинг бу соҳага таълим телефон оралиги берган саволлари эътибор олинди. Езма равишда берилган саволлар ҳам беҳисоб бўлди. Рўзномага белгилан қўйилган мuddатдан сўнг ҳам бундай мактублар келиб турди. Бу, умуман, тушунарлидир. Ҳозирги мурракاب шартларда шахримиз аҳолиси ўзларини ташвишлантираётган ва тўқилантираётган масалалар юзасидан нуфузли жавоб олишга иштиёқчанлар.

Олинган ҳамма саволлар ўрганилиб, умумлаштирилган, ҳокимликнинг ижтимоий сўбат мажмуасида ушбу мажмуа тарихига киритиш соҳалар раҳбарлари иштирокида муҳокамаси этилди. Ушбу мажмуага тагишли бўлмаган саволлар эса бундан кейинги ўша соҳалар раҳбарлари билан мулоқотда ҳисобга олинади.

Бугун эса ижтимоий сўбат мажмуаси раҳбари билан мулоқотни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

## МАЖМУА ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

МУШТАРИЛАРИМИЗНИНГ саволларига жавобларга ўтишдан аввал ҳокимлик ижтимоий сўбат мажмуаси ҳақида икки оғиз сўз.

Шаҳар иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтказиш ижроия ҳолатининг тубдан қайта ташкил этилиши тақозо этиди. Ана шу ҳаётий зарурат тўғрисида Тошкент Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ шаҳар ижроия қўмитети бекор қилинди. Унинг ҳамада илҳоз депутатлари шаҳар Кенгашининг вазифаларини умумхалқ томонидан сайланган Тошкент шахар Ҳокими Аҳмад Фозилбековнинг ижроия девони — ҳокимлик бажара бошлади.

Ҳокимлик тармоқ мажмуалардан иборатдир. Ижтимоий сўбат мажмуаси улардан биридир. У шаҳарда ижтимоий таъминот, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт ва жисмоний тарбия, маданият муассасаларига раҳбарлигини амалга оширади.

## НАФАҚА ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ТАЙЁРЛАНЯПТИ

НАФАҚА таъминоти бўйича саволлар айниқса, кўп бўлди. Шунини айтиш керакки, шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси нафақа ва тўловлар оладиган 300 миңдан кўпроқ фуқарога хизмат кўрсатади. Бошқарма ҳодимлари Узбекистон Республикасининг Президентининг нафақаларнинг энг кам миқдорини 350 сўм қилиб белгилаш тўғрисидаги Фармони муносабатин билан нафақаларни қайта ҳисоб-киتاب қилиш юзасидан қисқа мuddатда катта иш бажардилар.

## ҲАМДУСТЛИКДА

● Молдовадаги тўқнашулар оқибатида ҳарбий бўлинмалар томонидан Украина давлат chegarаси бузилаётганлиги сабабли Украина ўз chegarаларини қўриқлаш чораларини кўришишни маълум қилди.

● Москва вилоятининг «Вороново» давлат хўжалигининг маданият уйида «СССР халқ депутатларининг факултетида VI съезди» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда ўз вақтида собиқ СССР халқ депутатлари бўлганларнинг ундан бир қисмига яқини иштирок этиди, ҳоло.

● Кеча «Союз ТМ-14» кемасида ҳамдўстлик фазагирлари Александр Викторович ва Александр Калери билан биргаликда Германиянинг қосмонавт Клаус-Дитрих Фладе қосмосга парвоз қилди. Эртага қосмик кеманинг «Мир» бошқариладиган мажмуаси билан тўташтирилиши мўлжалланган. Бу парвоз учун Германия 40 миллион марка тўлаган.

● Яна бир марказий рўзнома — «Рабочая трибуна» ҳам молиявий қийинчиликлар сабабли вақтинча чоп этилмайдиган бўлди.

● Сўм яна қадрсизланмоқда. Валюта биржасида 17 март кунини ўтказилган савдода АҚШнинг 1 доллар 160,5 сўмга алмаштирилди.

● Россия ҳукумати бошлигининг ўринбосари Сергей Шайраев икки йил мобайнида бу республика ҳам ўз армиясини тузишни айтиди. Дастлабки ҳисобларга қара, унинг сонини бир йил миллион кишини ташкил этиши керак. Утиш даври ҳисобланган ҳозирги пайтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан ҳазорла кишиларни сақлаб қолиш мўлжалланган.

● Татаристон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси 21 мартда бу республикада давлат мақоми тўғрисида ўтказилиши кўзда тутилган референдумга қўйилган саволни ўзгартирилмаслик ҳақида қарор қабул қилди.

● Козогистон Президенти Нурсултон Назарбаев миллий гвардия тузиш тўғрисида фармон чиқарди.

## ХОРИЖДА

● АҚШ давлат департаменти вакили Маргарет Татуайлер яқин ҳафталаб икки АҚШ Урта Осиё республикаларига ўн-та транспорт самолётида кўп миқдорда дори-дармонлар етказиб берилишини маълум қилди.

● Японияда қандан... қозғош ишлаб чиқариш мўлжалланган. Мамлакат ҳукумати ва олти компания бу лойиҳани амалга ошириш учун 37,6 миллион доллар маблағ сарфлаш ниятда.

## Рўзноманинг шу сонига ТОШКЕНТ ОЛИМПАДАНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ спорт ишқибозлари учун қувончли хушxabар тарқалди: Узбекистон миллий олимпиада қўмитети халқаро олимпиада қўмитети томонидан тан олинди, унинг сифидан ўрни олди. Ҳозирги кунда ушбу нуфузли ташкилотга жами 183 мамлакат аъзоидир. Бундан ташқари ушбу тарихий сана—9 март кунини 2000 йилда Тошкентда эътибор олинган ушбу тақдирга тақдиринингиз ҳам ХОК вакили Антонио Самаранч мамуният билан қабул қилди.

Кунини кеча Швейцариянинг Лозанна шаҳридан Узбекистон миллий олимпиада қўмитетининг раиси Обид Назаров ҳамда раис муовини Собир Рўзневлар ушбу қувончли хушxabарлар билан қолдириди. Спорт журналистлари билан ўтказилган маъбулот конференцияси ҳам Лозаннадаги унутмас учрашув мазмунига бағишланди.

Лозаннада мушаклликка эришган 12 собиқ совет республикалари олимпиада қўмитети президентларини Хуан Антонио Самаранч қабул қилди, улар билан мулоқотда бўлди. — дейди Обид Назаров. — Ва натижада 12 республика олимпиада қўмитетлари вақтинчалик ХОК томонидан тан олинди. Вақтинчаликнинг сабаби шундан иборатки, барча республикаларнинг олдига Барселонадаги эътибор олинганда ҳамкорликда қатнашиш шартини қўйилди. Эътибор олинганда сўнг эса ҳар бир республика олимпиада қўмитетини тўла ҳуқуққа эга бўлади ва ўз-ўзиндан домий аъзоликка қабул қилинади. Бу ҳам 1993 йилдан бошлаб мустақил равишда Осиё ўйинларида, жаҳон кубоклари ва биринчиликларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Биз Лозаннада Х. А. Самаранчининг қабулига кирдик ва республикамиз Президентини, шахримиз ҳокими ва олимпиада қўмитетининг раиси сифатида мен қўл қўйган Тошкентда 2000 йилги олимпиадани ўтказиш ҳақида мақбулнинг унинг қўлига топширдик. Тўғри,

## Баҳодир САЛИМОВ.

## \* Рўзноманинг шу сонига

138-мактабни оғалиққа олиш ҳақидаги шартномага низо эчкилади. Узбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Тўқий Бекмуродов, техника фанлари доктори, профессор Талғат Маърупов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар бу ишнинг асосий вазифаларини ўз зиммаларига олишган. Улар томонидан байрам кунлари районнинг бир қанча жойларида, жумладан, Қумарик, Қўшқўрғон, Иттифок, Шодлик каби бир қанча маҳаллалар, 2, 32-урта мактаб ҳамда 4-автокорхона, темир-бетон конструкциялари заводи ва бошқа жойларда карнай-сурнай, қўғирчоқ театри, эстрада дасталарининг чиқишлари ташкил этилади. «Молодость» маданият уйи ҳодимлари район кутубхоналарида ўзбек классик адабиёти намоёндаларининг асарлари асосида Наврўз, табиат, севги, дўстлик мавзуларида китобхонлар кўрик танловини ўтказишни режалаштиришган.

Анвар АБДУЛЛАЕВ.

Турсуной АБРОР қиз.

Ғулж ЮСУПОВ.

Балар кулйети қошида фео-





**ЯРАЛИ КОЛИТ** — йўгон ичакнинг оғир яллиғлаиши касаллигидир. Қадимдан уни «юдли ич сурин» деб аташди. Яллиғланган шиллиқ қават ичак ичига оқсилга бой суюқликни кўп миқдорда чиқара бошлайди. Тез-тез суюқ ич келишидан ташқари ярали колитта қориннинг бураб-бураб оғрини ҳам харақтерлидир. Лекин сиз бу белгиларга қараб ўзим ташхис кўя оламан деб ўйламанг. Касаллик белгилари жуда кўп бўлиб, улар бошқа касалликларда ҳам тез-тез учраб туради.

Шунинг учун касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Чунки касаллик тез ёки аста-секин бошланиши мумкин.

та даволочи шифокор билан маслаҳатлашиш лозим. Бундан ташқари, ўзингизда тузалишга ички ишонч ҳосил қилинг. Бунда яхши руҳий кайфият керак. Балки, бунинг учун сиз муштақил ёки мутахассис ёрдамида аздоча машғуларнинг баъзи усуллари ағалашингизга тўғри келар.

Ярали колитнинг келиб чиқиш сабаблари ҳали етарли даражада аниқланмаган, лекин шунинг ишонч билан айта оламизки, турли омадорлар ва асаб бузилишларига эмас, балки ҳар хил ўзгариш касалликларидан айниқса омадорларнинг шикастланиши ва айниқса омадорларнинг аста-секин бошланиши Касаллик кучайган даврда асосий этиборни парҳез-

# БЕЛГИСИ ТУРЛИЧА ХАСТАЛИК

Ярали колитни аниқлаётганда шифокор фақат клиника кўринишларига асосланмайди. У биринчи таъини ректоскопия, колоноскопия ва рентгенология текширишлар маълумотларини ҳисобга олади. Диагностика учун ичакнинг бактериялогик ва паразитология анализлари ҳам муҳимдир.

Бу касалликда йўгон ичакнинг жуда майда яраларидан доимо қон кетиб туради. Қон йўқотиш, ич сурини, шикастланган шиллиқ қават орқали ичак ичидидаги моддаларнинг сўрилиши натижасида ҳосил бўладиган зарарланган организмнинг шунданли қувватсизланиши, бу ичакдан қон оқибати ва ҳатто унинг тешилишига олиб келиши мумкин. Жуда оғир ҳолларда ҳатто жарроҳлик амалиётини тўғри келди.

Шу босдан қўйилган асосатларнинг олдидан олиш учун шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиш муҳимдир.

Касалликнинг фаол даврида диетотерапия ва қон оқибати, қориндаги оғриқларга, яллиғлаиши ва ич сурини қарин кўлиндиридан дориларни ичиб туриш керак. Қўйилган шифокор тинчлангувчи дориларни ҳам тайинлайди.

Гап шундаки, асабийлашад ва ҳаддан ташқари ҳажжонланиш ярали колитнинг кечилишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун режими катта аҳамият касб этади.

Шундай ҳам касаллик билан кучсизланган организмнинг уйқусизлик қолдан тойдирди. Суткасига ҳаммида 8 соат ухлаш керак, дам олиш кунлари эса кундузи ухлаш ёки 1—1,5 соат ётиб туриш лозим.

Меҳнат таътилининг ичида ўтказмасликни маслаҳат берамиз. Амалий тушни кўрсатади, ҳатто қисқа мудатли иқлим шароити алмашинуви ҳам организм ҳолатига яхши таъсир кўрсатади ва шунинг учун баъзи ҳолларда касаллик кучайишининг олдини олишга ёрдам беради. Лекин, дам олиш жойини танлаётганда, албат-

га қаратиш зарур. Бунда ширинликлар, квас, мевали шербатлар ва ундай тайёрланган маҳсулотларни мундоқ истеъмол қилмаслик керак.

Ёғли бўёқлар, сутли ширвалар, дудланган маҳсулотлар, ўткир зираворлардан воз кечинг. Ҳамма айди ўтилганлар шира ҳайдовч таъсирга эга бўлиб, секретция ва ичак қаракати фаолиятини кучайтиради. Яхшии, кеча ёпилган ёки духовкада озинга қуритилган нонини еган маъқул.

Нонуштага гуручли, манали, арпаги бутқани тайёрланг. Ярали колитта чакилганлар тез-тез, лекин оз-оздан овқатланишлари даркор. Шунингдек қуруқ печене, апелсинли ва томатли шербатлар ҳам фойдалидир. Лекин ҳеч қачон узум, олча, ўрик шербатини ичманг. Улар ичакда бўғишчи-ни кучайтиради.

Тушлик ва кечки овқатга зиравор қўшмасдан крупаги ёки макаронли ширваларни, ёки қайнатилган гўшт ёки баллқ (айниқса денгиз баллиқ) мақсадга мувофиқдир, бунда пиширилган қиймалар ва тефтеларни истеъмол қилиш мумкин. Ичига қисман касалланган, ярали колити ич қотиши ва қон оқибати билан кечадиган беморларга сабзи шербати жуда ҳам фойдалидир.



Санд АЪЗАМХУЖАЕВ, 1-Тошкент давлат тиббиёт университетининг профессори.

## \* Халқ таботати

# КАШПИРОВСКИЙНИНГ СИНГИСНИ ДАВОЛАГАН

### Қорабуюқлик гиёҳшуноси ЭШИТГАНМИСИЗ?

© Хурматли «Оқшом» муҳарриратя! Чимкент томонда, Қорабуюқ қишлоғида Ўсарқул ота исмли табибнинг довруғини эшитдим. Отаҳон беморнинг томир уришини кўриб, ундан ҳеч нарса сўрамай дардини аниқлар, гиёҳлар билан даволар эканлар. Илтимос, гиёҳларни сўзлабган шу табиб ҳақида рўнома саҳифасида мақола уюштирсангиз.

Хурмат билан Қарим АББАСОВ, Норқул БОБОЕВ, хизматчилар.


«ОҚШОМ» муштақилларининг илтимосига кўра биз Қорабуюқ қишлоғига қараб йўл олдик. Ўсарқул ота билан суҳбат чоғида дарҳол аниқ, яхши гапининг қаноғи борлигига, ҳозир табибнинг қаромати эл орасида тез ёйилгани босига тушундик. Зеро, шифобахш гиёҳлар билан даволанишни ҳамма борада! Ота-ёра неъматли сиҳат-саломатликнинг қуввати эканини Ўсарқул ота Ирисқулов яхши билар эди. У қирқ йил даврда тибобиятнинг бобокалон устодлари — Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий, Умар Хайём каби буюк ҳақиқат ўнлаб рисолаларини синчиқлаб ўрганиб амалда қўллади, тажриба ва маҳорат орттирди.

Қадимий бир ривоятда Абу Али ибн Синонинг ўт-ўсимликлар тилини билгани ҳикоя қилинади. Уни айтаётганда, Ибн Сино қайси гиёҳга яқинлаша, у: «Мен фалон дардга давоман» дер, зукко ҳақиқат буни билиб олиб касалларни даволашга ҳеч бир ялғимай фойдаланар экан. Ўсарқул табиб ҳам қадимги китоблардан ўт-ғиёҳларнинг шифобахшлик хосиятларини кўп ўқиди. Бу осой бўлмади, албатта. У билан табибнинг сирларини қандай ўрганганини дилдан суҳбатлашдим.

— Мен беморларни қўлдаги сеҳрли нурим ёки «куф-суф» тарзида даволамайман, — деди ишонч билан Ўсарқул ота. — Табибат ўзи берган ҳар бир дардга ўзи давосини ҳам яратиб қўйган. Меннинг беморларни даволашдаги асосий сеҳрим ана шунда, табиб қонунларини билишимда. Имон келтириб айтманки, табибнинг қудратли эканлигини, ақдодалигини ҳам ҳаётда кўп синиб бизга қолдириб кетган мерос — илми унутмаслигимиз керак!

Ўсарқул ота ҳозир — билимдон табиб бўлганда кўп машаққатлар чекканини ҳикоя қилди. У дунёга келмасдан отаси Ирисқул вафот этган эди. Асли Бибхоза билан бувиши Шоҳсанам тарбиясида ўси, тиббий билим юртини битирди. Юз ёшга ётиб қолган бувиши Шоҳсанам билан унинг умрлик дугониси Анор ая Сасиқова ўйган, табиб сирларидан хабардор айлар эди, улар Ўсарқулга ишлагандан шифобахш ўлар ва илдизларнинг хосиятларини ўргатишди. Табиб ҳозир ҳам Анор аяни «Меннинг бош устозим» деб кўп эслайди. Бир юз олти йил яшаган Анор ая бутун илму аъмолини Ўсарқулга мерос қолдирди кетди. Катта тажриба орттирган Ўсарқул ота одамларни даволашга қиршиди, у табиб бўлиб танилиши ҳақида бундай дейди:

— Дастлаб, тошкентлик қариндошим Махдуба Қодировани ши-



фокорлар уч кунлик умри қолди, дейишган эди, соғайтириб юбордим... Кўп ўтмай қорабуюқлик оқсоқол Дунғобй отани касалхонадан, азасига таёйрланганлар, деб жаънаб юборишди, чолни гиёҳ билан даволадим. Ҳозир бу кекса тўқсондан ошди. Шундан кейин одамларнинг менга ихлос ортиб, турли беморлар кела бошлади, беморларга нажот бағишлаётганимдан дилда фахр тошиб, бу нозик ишга сидқиидил киришдим. Табибнинг қувваи ҳофизасини билиш учун сўрайман:

— Қадим табибларнинг китобларини қандай ўқиб-ўрганасиз?

— Ихчам кутубхонам бор...

Абу Али ибн Сино каби буюк ҳақиқатнинг энг нодр 200 та китоби сақланади, ҳаммасини тез-тез кўздан кечириб, фойдаланиб тураман. Илгари уларни ўқиб, тажрибаларда ҳам сингаманман. Ўзбек ва қозоқ тиллари билан бирга арабча ҳам русчани биларман, табобатга доир янгиликлардан вақтида хабардор бўлиб тураман.

— Сизга қанақа дард билан оғриган беморлар келганини, қандай касалликларни даволайсиз?

— Юрак, буйрак нафас қиссиш, қон босими, фалаж касалликларини, экзема билан оғриқларини даволадим. Ҳатто песни тузатишга қўриб етди, бепуштлиқ дардида қурғилар даво топиб, серфаранд бўлишди... Бунда она табиб ичкери эган доривор гиёҳларнинг хосияти бениҳоя катта.

Доривор гиёҳлар! Ўсарқул табибнинг уйини ўт-ғиёҳлар ҳазинаси деса бўлади. Бу ҳазинада 400 дан зиёд хилма-хил шифобахш ўсимликлар йиғилган. Ҳақиқатини айтишча, бу ўт-ғиёҳлар узоқ ерлардан, Бўстонлик тоғларидан, қозоқларнинг қир-адирларидан, дарёларнинг қанораларидан саралаб, покизалаб, асраб-авайлаб тулланган. Ўт-ғиёҳларнинг бизда ўсимайдиган турларини табиб ўзи Болгария, Ҳиндистон ва Арабистон мамлакатларидан махсус буюртма билан келтирган.

Табиб торғина дала-ховлиси сатҳида бир неча хил шифобахш ўт-ғиёҳларнинг ўстириб одамлар учун дориворлик ҳам тайёрлайди. Қунига ўнлаб беморларга гиёҳ дорилар билан ҳужжатлаштириб берилди. Бу осой иш эмас. Дориворликнинг йиғиши, саралаш ва тайёрлашда Ўсарқул отанин бариқча оила аъзолари — рафинис Зуржон ая, сингисни Дилвоза, келини Ирисқўти, ўғли Фозилжон, қизи Маглуба, шунингдек қариндоқ-уруғлари, ҳимматли ҳамқиллоқлари, қўин-қўшинлари ёрдам бериб, одамлар сиҳат-саломатлигини учун қуюнчаллик билан яшашди, улар ҳузурига нажот излаб келаятган

Тўқтин РАСУЛЕВ, © СУРАТДА: халқ гиёҳшуноси табиби Ўсарқул Ирисқулов.

## \* Ошқора суҳбат

# ИЛМДА БАХИЛЛИК БЎЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ муқтақил давлат сифатида эълон қилиниши элимизнинг асрий орзу-умиди эди. Минг шукрлар бўлиши, 20-асрнинг охирига келиб буюк ишқилга эришиди. Демак, Ўзбекистоннинг муқтақиллиги ҳар бир касбдаги фақирга, айниқса маориф соҳасидаги барча ходимларга ҳам катта масъулият юклайди. Шу босдан жамоатчи мухбиримизнинг Низомий номидаги Тошкент давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи бошланғич тарбия услубиетни кулиётининг декани, фалсафа фанлари номзоди, доцент Сирож Валиева билан бошланғич тарбиянинг баъзи масалалари ҳусусида қилган суҳбати эътиборга моликдир.

— Сирож Ибромова, муқтақил Ўзбекистон давлати шароитида қандай қилган концепцияси бошланғич таълим олди-га қандай янги вазифаларни кўяди!

— Мен муқтақилликни келажикимиз бўлиши ёш авлодсиз тасаввур эта оламан. Чунки, муқтақиллик ҳақидаги илк тасаввур мактаб пертасидан бошланади. Мактаб ислоҳоти ҳақида бир неча йилдан бери кўп ва кўп эшитдик. Баъзи бир назарий тажрибаларни тадбиқ қилганда ҳам бўлишиди. Бироқ бу назарий тажрибалар ва тадбиқлар билан биз кўзлаган мақсадга эриша олмадик. Қолбуки, бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор эди. Шунинг учун ҳам мактаб ислоҳоти бир қадам олға силжмай қолверди. Ўзбекистон муқтақил давлат деб эълон қилинганда кейин миллий мактаблар ва уларни таққил қилиш кеңитириб бўлмайдиган замон талаби бўлиб қолди. Миллий мактабларни яратиб гоёси Шўро ҳокимиятининг дастлабки кулларидек илғари бурлиғи бош масала эди. Бу гоё учун Ҳама, Қодирий, Авлоқий, Чўлпон, Фитрат, Боту, Бохбодий ва замонамизнинг бошқа илғор кишилари қуршиб бир қанча ютуқларга эришдилар. Бироқ кўп фурсат ўтмай уларнинг таълим-тарбия, фан ва маданият соҳасидаги таълимотлари қоралиби, йўққа чиқарилади. Шу билан бирга маориф соҳаси бир тосмонлама ривожланиб, атеизм бағриги остида илгарилаб борибди. Натикаси эса қалбга ади... Ҳозир ана миллий мактаблар концепциясини ишлаб чиқиш пайти келди. Тўғри, миллий мактаблар учун қатор дарслиқлар дастури муҳокима қилинмоқда. Мутахассислар ва олимлар ўзларининг миллий мактаб ҳусусидаги вариантларини таққил қилишмоқда. Жулмадан, Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи раҳбарияти ва бошланғич услубиет таълими кулиётини ҳамда дин тарихи ва хурифлик, этика ва эстетика кафедраларининг етакчи олимлари С. Утанов, Р. Қаримов, М. Зарипов, И. Азимовлар ташаббус билан кулиётимизда қўйилган мутахассислик, яъни «Одобнома» фандан дәрс берадиган маънавий муаллимлар тайёрлашга киришдик. Бундан ташқари, кўзга қўриган олимлар ва жамоат арбобларидан навийшунис А. Хайитметов, филолог Ш. Бобохонов, академик А. Хайруллоев ва бошқалар дастур бўйича маърузалар қилишмоқда. Демак, биз яқин орада «Одобнома» фандан дәрс берадиган мутахассис-муаллимларни мактабларга етказиб бера бошлайми. Зотан, бу билан миллий мактабларнинг ташқи қилишга ўз ҳиссакимиз қўйиб бўлаемиз. Ана шунинг ҳам тилкидлаш керакки, миллий мактаблар асосини таққил эткида кўпроқ бошланғич таълимга эътибор беришимиз лозим. Чунки бу ёшда ўқувчилар илк таълимни ўзларига сингдириб, уни бир умрга ўзларига сақлаб қоладилар. Айниқса 2 ва 3-синфларнинг «Кўнчи китобинда» болалар қўшиқлари, ва ўйинларнинг кўпроқ саҳифалар акрартиш керак. Айтайлик, дарсликка улус алломалар Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Исмонд, ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар киритилса, юқори синфларга борганда уларнинг асарларини ўқувчилар анча енгли ҳаққан қилдилар. Барча дастурларни ишлаб чиқишда халқ педагогикаси бош йезон қилиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. 70 йилдан кўпроқ вақт ичидида мактабларимизда рус, француз, немис, инглиз тиллари ўқитилди. Шарқ ёшлари бу сунъий таълим-тарбия билан европача маданиятни шилтириданок онглариги сингдира бошладилар. Янги муқтақиллик сисбати бутунги кунда миллий мактаблар олдиға ривожланган Шарқ маънакатлари тилларини, жулмадан турк, форсий, хитой, испан, япон араб ва ҳинд тилларини ҳам бошланғич синфлардан бошлаб ўқитиш имкониятини яратмоқда.

— Бошланғич таълим таълимда синнов тарихида дастурга диний ақидалардан яъни мунқадда китобларимиздан бўлиш «Кўронин қарилма», «Ҳадис шарифдан» намуналар киритилса ҳамда ўқувчи маданиятимиз айнавалари ва миллий қадриятларимиз ўқувчилар онига сингдириб борилса аяни мунқадда бўлар экан...

— Туркистонда қадимдан бошланғич мактаблар учун махсус эзилган одоб-ахлоқ масалаларига доир асарлар бўлиб, алифбонини тутатиш билан ўқитилар. Ва шу билан бирга «Ҳадис шарифдан» намуналар экир қилинган, Муҳаммад пайгамбарнинг ҳадислари 7 ёшдан бошлаб ўргатилган. Кишининг ёш ўттиши билан унинг хулқ-аждори ҳам ўзгаради. Шундай экан, у эълонинг одомийлик эътиқодини асраб қолмок, яъни одоб доирасини кеңгайтириш керак. «Ҳадис шарифда» ана шундай инсоний фазилатларга кеңг ўрин берилганлиги тўғрйлик хабар этасиз биламиз учун ҳам катталар учун ҳам катта аҳамият эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир ҳадисларида илм олмак тўғрисида шундай хикमत бор: «Бир кун илм ўрганимок, бир туни ўғониб нбодат қилмоқдан хайрлироқдир. Бир кун илм ўрганимок, ой рўза тутмоқдан хайрлироқдир». Кўриниб турибдики, ҳадислар инсонини шилгидан бошлаб илм-файфа, маърифатга ва тавқога ўрашишга чорлайди. Дарҳақиқат «Кўронин қарилма» ва унинг ислом дунёсидида ҳамда инсоният тарихида тутган аҳамияти булмас, у эътиқод қилишга арийдиган маъна эканлигини тан олишимиз даркор. Бинобарин, Алишер Навоийнинг «Арбани ҳадис» (унинг маъноси 40 ҳадис дегани)ларида шундай ақида бор: «Ал-илму ла юбаъшу минҳу». Таржимаси: «Илмда бахиллик бўлмайди».

Эй ирадаланд олимни, синга, Илмдан ўрин айлади соню. Ички ўрганса, қилмағай махрум, Ички нафъ оеса бўлмағай моню.

Бу шеърини ҳадисда илм-маърифат ҳақида қанчаллик фалсафий маъно борки, ушбу дурдонларни мактабларимиз дастурларига жорий қилсақ фойдадан қол бўлмас эди. Шундай экан, диний маърифат илми билан дунёвий билимларини ҳамоқан холда ривожлантирсақ ҳеч шубҳасиз кўзланган мақсадга эришамиз.

— Кўп илмлик тажрибага эга бўлган мутахассис сифатида ўғил болалар билан қиз болаларни алоқиди синфларга бўлиб ўқитиш борасида ўз фикрингизни айтсангиз.

— Ҳуқуқларнинг табақаларга акрартиб таълим бериш вақти алақачон етди. Бир синфда қобилият, билим ва ахлоқи турлича бўлган болаларга бир хил дәрс бериб келдик. Ўини «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шери остида фаоллаштиришди. Бу маълуматимиздаги илмсодий тағлимни маънавий тағлимка олиб келдик. Қолбуки, бу ҳол ўқувчиларимиз дунёқарашининг шикланлиғига салбий таъсир кўрсатди. Миллий мактаб ҳусусида финқ юрғилганда шунин айтмоқчиманки, ўғил болалар билан қиз болаларни алоқиди-алоқиди ўқитган маъқул. Келинг, шу масалани илмий равишда мушоҳада қилайлик. Агар улар биргаликда таълим оладиган бўлсалар, қиз болалардаги маъносилик, гўзаллик, қўполлик ва бошқа қарамақар билан уйғунлашиб кетади. Энг ачинарлиси шунданки, қиз болалардаги ўзига хос характер ўғил болаларга сингиб боради. Бунинг мен кўп илмлик муаллимлик тажрибамдан келиб чиқиб айтганман. — Яна қайси янги фанларни қўшимча дәрс сифатида мактаб дастурига киритган бўлар эдингиз?

— Бутунги кунга келиб бир қанча фанлар ҳам тараззулин бошдан кечирмоқда. Айниқса тарих, жамиятшунослик, адабиёт, меҳнат ва жисмоний тарбия, ашула, расм ва чизмачилик фанлари қайта ислоҳ қилишга муҳтож бўлиб турибди. Энди миллий мактабларнинг асосини ишлаб чиққанда «Одобнома», «Этика», «Эстетика», «Манитки», «Экология», «Библиография» ва маънашунослик» фанларини кеңг дастур асосида жорий этишни ҳар бир маънавий мутахассиснинг бурчи деб ҳисоблайман. Шунингдек, синфдан ташқари машғулотларга кеңг ўрин бериш, яъни ўқувчиларини театр томошаларига тез-тез жалб қилиб туриш керак. Бу уларнинг нафосатга бўлган қизиқишини орттиради. Айни пайтда «Кўнчи жамон» орқали берилаятган кўрсатувлар бутунги ўқувчининг маданиятига тўғри келмайди. Ушбу дастурлар кейинги вақтда умуман барилмай қўйди. Бундай кўрсатувлар мутахассислар томонидан мазмунли олиб борилса фанларнинг таъсирчанлиги янада ортан бўлар экан.

Суҳбатни Амир Хайр эди.



Пойтахтимиздаги 1-ноябазал ишлаб чиқариш биришмастининг шифокорлари ишчилар саломатлигини асосий ўринга қўйишди. Нигора Носирхўжаева (чапдаги сурат) ана шундай жонқур



тиббиёт ходимасидир. Бирлашма сиҳатгоҳининг бош шифокори Алена Шамсутдинова эса ана шундай ходимлари билан фахрланади. Ойнахон Қурбонова суратлари.

### ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ ТАДБИРЛАРИ

- © Узингизни чекишни ташлашга ундовчи омиллари ёзиб қўйинг. Бу рўйхатини жуда бўлмаганда икки марта — эрталаб ва кечқурун бирма-бир кўздан кечиринг.
- © Хар гал биринчи чекишни куя сайни иккони борича кўпроқ кеңитиришга ҳаракат қилин.
- © Сигаретани ҳар гал яргича чекин.
- © Телевизор кўраётганда иложи борича чекишликка ҳаракат қилин.
- © Сутканин қайси соатларда кекиш хумор қилишини аниқлаб, мулкни қадар ана шу қайлар сонини қаматириваши итйилин.



\* 21 март —  
Наврўз байрами

# Баҳордек мусаффо ва дилрабо

НАВРЎЗ ҳақида кейинги пайтларда кўп гапирчди ва кўп ёзилди. Унинг келиб чиқиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифалари, рамалари нисбатан аниқ тилди. Аммо, ҳали Наврўз — Янги йил ва унинг тарихи бидеги сайил-томошаларнинг иккаш этилмаган қирралари, нозоланмаган хусусиятлари анча-мунча. Шулардан бири Наврўз — Янги йил одобномасидир. Ушбу одобнома тушуничи бис тасаввур қилгандан кўра кенг ва ранг-барангдир. Уни ҳар томонлама аниқлигини илмий-назарий ҳамда амалий аҳамияти катта деб ўйлайман.

Дастававл, шунинг айтиш кераки, Наврўз байрами деган тушунича, бизнинг фикримизда, унчалик тўғри эмас. Уни байрам дегандан Янги йил сайил-томошалари деб юртдан маъқул. Бошдан-оқ одоб-ахлоқ, маърифат, поклик, етулик, донолик, хушрўқ асосига қурилган Янги йилнинг — Наврўзга бутунлай қайтишимиз лозим.

Хўш, Наврўз одобномасининг саҳифалари нималардан иборат? Уни асури асарлар давомида юксак даражада эътибор билан келишимиз лозим. Наврўз мазмуни, қамрови, одобномасининг рамалари биз ўйлаганимизча аҳд юқоридан-пастандиги турбид саҳнашайрағанимизда тушунарли содда, жуз, торик йўқ, албатта! Наврўз Шарқ элларини, шу жумладан, ўзбек халқининг йиллар, асарлар давомида шаклланиб, ривожланиб, баёжоқ қадриятларини қамлаган халқона уюмлар, одатлар, расм-русумлар, анъаналар камраб олинган, қамрови нисбатан кенг, мазмуни-мақсади тараф, рамзий воситаларга бой, маърифий-тарихий, бадий-эстетик аҳамияти эри, педагогик аҳамияти мўл-кўл сайилдир. Баъзан бир-икки кун ва 8 ҳафта, баъзи ҳолларда ойлаб давом этадиган Наврўз олам нафрат тантанавор сайил-шодибна, балки халқнинг фалсафаси, маърифат, ҳаётий хулосаларининг бамисоли ойнаси. Шу босидан ҳам, ҳозирги пайтда ўтказилмаган

Наврўзи олам ота-боболаримиз ўтмишида ўтказиб келган сайил-томошаларга қараганда нурсиз, савз ва халқ талаб-эҳтиёжларига мукамал даражада жавоб берарлими? Бизнинг фикримизча бундай саволнинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор албатта.

Афсуски, сўнгги вақтларда ўтказилмаган Наврўз сайили халқ сайил-томошалари моҳиятини тушуниб етмаган сценарийчиларга, режиссёрларга, ташкилотчи-йўриқчиларга топшириб қўйилмоқда. Баъзи ҳолларда эса бундай ишларга халқимизнинг миллий характери, талаб-эҳтиёжларидан бехабар, элшунослик, фольклор адабиёт, санъатдан йироқ, ўзбек урф-одатлари, расм-русумлари, одатлари, анъаналарини мутлақо билмайдиган кишилар бую ҳам бўлиб қолади. Бақолганимиз, Наврўз сайили диндан қатъий режалаштирилмаган, хом-хатала тайёр сценарий асосида ташкил этилган, унинг мазмуни, йўналиши юқоридан турбид белгиленмаган. Наврўз халқнинг ижодий ижорчилик, оммавийлик, ташаббускорлигидир. Унинг сценарийсини ҳам, йўналишини ҳам, мақсад, вазифини бошқариш ҳам халқнинг ўзи қилган. Халқ орасида ахлоқ-одоб, нуфузи юқори бўлган қорфамон оқсоқоллар, қайсиби онақоллар бош-қўб булганлар. Наврўз шайрагини эмас, балки ҳар бир хонадонда бошланб, кўпроқ тоғ, қир, адир бағри-

ларда, дала-дашларда, яъни очик ҳаволарда ниҳоятда оммавий тарзда ўтказилган. Унда ҳаёт, табиат ва инсон камолати билан боғлиқ долзарб муаммолар, энг яхши ибратли ҳаётий тажрибалар сайил-томошалар орқали ифодаланган. Биз улардан баъзи бирларига қисқача тўхталиб ўтаймиз.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК БОБИДА:** Наврўзга тайёрланиш ва ўтказиш даврида ариқ-зоғурлар тозаланиб, экин-тикин ерлари тартибга келтирилган. Далага кўш чиқариб, ерга илк уруғ қадалган. Ҳайдалган ерлар жуяклар тортилиб, экинлар экилган. Баъзи жойларда янги ерлар очилиб, ўрилган. Қисқаси, деҳқончилик маданияти бобидаги ҳамма юмушлар юксак савияда bajarилган. Бунда болалар ҳам қатнаштирилиб, уларга деҳқончилик маданияти ўргатилган.

**БОҒДОРЧИЛИК БОБИДА:** Сайилни кутиб олиш, ўтказиш даврида асосий диққатни табиатни эътибор, саклаш, чиқоришга қаратилган. Ҳаётда эътибор берилган. Дов-дархатларни буташ, пакиданлаб, янги ишқолларни экиш, янгидан янги боғ-роғларга асос солиш, эски боғ-роғларини тартибга келтириш, тоқ, анор, анжирларни очиш, тараб, кўтариш каби юмушлар амалга оширилган.

Бунда ҳам ахлоқ-одоб, ёшлар, болаларни ҳақонлик, эҷиллик, абажирлик, матонатга ўргатиш, чинқитириш кўзда тутилган. Болалар, ҳатто гу-диқларни отда олиб юриш, чопилларда қатнаштириш, улоқларга солиш Наврўз тантаналаридаги одатларга айланган.

**КАСБ-ХУНАР БОБИДА:** Наврўз — Янги йил сайил-томошаларидак сермазно, қамровли анъана бўлмаса керак. Мазкур айёмга атаб, уни бошлага тайёрларлик қўришидан тартиб, айём тантаналари давом этаётган пайтларда тоштарошлар тошга жило берганлар, темирчи-усталар уй-рўзгорларни, от-улов анжомларини, мувофоза яроқ-аслаҳаларини яратганлар. Биқиччи-туқиччи Наврўз сайил-томошаларида тайёрлаган бўлсалар, пазандалар, ноқойлар, ошпазлар, наврўз таомларини меҳр ила пиширганлар. Заргарлар, мисгарлар, қандолатпазларнинг ўз маҳоратларини кўз-кўз қилишлари ҳам одат тусини олган.

Наврўзини кўп анъаналари, удуларининг қўнчилиги тарихий соломаларда, бадий асарлар ҳамда ҳозирда ҳаёт бўлган кесалар оғзида сакланиб қолган.

Урта Осиё халқлари, хусусан, тожик ва ўзбеклар орасида «охирги чоршанба» удули сакланиб қолган. Туркманлар эса «қора чоршанба» деб атаганлар. Бу маросимнинг мазмуни шундай: кузатилган йилнинг сўнгги чоршанба кунин южойга олов ёқилиб, одамлар ундан халлашган. Бунинг

маъноси шунки, эски йилда тўпланиб қолган барча ёнонликлар, яъни касаллик, бахтсизлик, омадсизлик, ёмон ва қора кунлардан халос бўлишдир. Ловуллаб ёниб турган оловдан ҳамма сакраб ўтган. Сакраш оловдан эса турли дуо-фотиҳалар ўқилиб, бир-бирларига солиш, омонлик, бахт-омад, яхши кунлар, эл-юртга мўл-кўнчилик, тинчлик тиланганлар. Қишлоқларда қир-раверишда ҳам гулханлар ёқилиб, ташриф буюрувчилар ҳам шу маросимда қатнашганлар. Баъзи ҳолларда жонлик-қурбонлик сўйиб эл-юртга тарқатилган. Бу ҳақда тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» китобида қайд қилган эди. Зеро, Наврўз инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлашга даъват, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, табиат кўркига кўрк қўйиш, табиат, борлиққа меҳр қўйиш, орқали кишиларни юксак инсоний хислатларга эга қилишнинг синналган воситасидир.

Наврўз одобномаси ҳақида сўз борар экан, қуйидагиларга ҳам эътибор бермоқ зарур. Наврўз кунлари ҳар қандай гина-қудурат, жангу жадал, араву фарзғўйлик ўринини меҳр-шафқат, хайр-эҳсон, ширинзабонлик, хушмуомалалик, камтарлик, мулоимлик, одамийлик эгаллаган. Зеро, Наврўзини ўзи баҳордек мусаффо, кўркма ва дилрабо-дир.

Хулласи қалом, биз ҳозирги даврда Наврўзни ҳақиқий Янги йил, катта сайил-томоша, қадриятларимизнинг маъмуви си тарзда кутиб олар, тантанавор тарзда ўтказар эканмиз, унинг қадимий анъаналарини ва тузуқларидан чекинмаган, аксинча уларни тиклаган, ҳаётга тадбиқ этган ҳолда иш тутишимиз лозим. Наврўз олам халқона кўтаринкилик, бақрамона кайфият тарзда нурли, файли ўтказилмоғи шарт. Унингнинг муқабиллигига эришган, нурли истиқбол сари катта ишонч, эрумидлар билан қадим ташлаётган доно халқимиз ўз Наврўзи — Янги йилни муносиб ва тантанавор ўтказишга ҳақлидир.

Малик МУРОДОВ,  
профессор.

## ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон республикаси маданият вазирлиги  
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР  
ДУСТЛИГИ САРОИИДА  
М. Қориёқубов номидаги Меҳнат Қизил байроқ  
орденли

ЎЗБЕК ДАВЛАТ КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ  
БИРЛАШМАСИ  
22 март соат 15.00 да ва 23 март соат 19.00 да.

### «АССАЛОМ НАВРЎЗИ!»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист  
Нуриддин ҲАЙДАРОВ  
КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат «Шодлик» ашула ва рақс гуруҳининг хонанда ва раққосалари: Инобат ЖОНИЕВА, Гулмира ШИРИНОВА, Шоҳиста ПАРПИЕВА, Раъно ЗОКИРОВА, Ирода СОЙИПОВА иштирок этадилар.

Концерт дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун бюртмалар қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-92-13, 33-67-73.



БИЛАСИЗМИ, ЖАМҒАРМАНГИЗНИ  
ФАҚАТГИНА НАҚД ПУЛ БИЛАН ЭМАС,  
БАЛКИ

НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМ  
ҚУПАЙТИРИШИГИЗ МУМКИН

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган қорхона, ташкилот ёки жамоа ҳўжалигининг муҳосиба бўлимига Жамғарма банкида сақланаётган жамғарма счётингизга пул ўтказиш тўғрисида ариза ёзишингиз лозим бўлади.

Сиз жамғармангизга ойлик маошингиздан, нафақангиздан, белгили хизмат муддатини адо этганлиги учун тўланадиган имтиёз пулидан, суғурта пулидан, давлатга сотилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва воситачи дўқонлар орқали сотилган буюмларнинг пулидан маблағ ўтказишингиз мумкин.

Ўзбекистон Жамғарма банки шахсий бюджетингизни тўғри йўлга қўйиш, даромадларингиздан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва вақтингизни тежашда Сизга ёрдам беради, энг асосийси Сизни нақд пул билан боғлиқ бўлган ташвишлардан халос қилади.

Жамғарма банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ  
МАКТАБ УҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ  
КАНИҚУЛ КУНЛАРИДА

23 МАРТДАН 28 МАРТГАЧА  
СОАТ 10 дан 14.00 гача

билим юртига кириш истагида бўлган 3- ва 6-синф ўқувчилари учун

маслаҳат машғулотларини  
ТАШКИЛ ЭТАДИ

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31-уй (3, 11-троллейбуслар; 97-автобуснинг «Баранов кўчаси» бекати; метронинг «Фазагирлар шоҳқўчаси» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-24-36, 56-05-28, 56-33-27.

ТЕХНИКА ДОРИЛФУНУНИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИҚДА 256-МАКТАБДА  
ЛИЦЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фақат бизнинг мактаб-лицейимиз битирувчиларигина талабалик номга мушарраф бўла олади! Бу эса бизнинг лицейимизга кириш имтиҳонларини топширгандан кейингина мумкин бўлади. 9-синф ўқувчилари (ўзбек ва рус тилларида), 10-синф ўқувчилари (ўзбек ва рус тилларида).

СИЗ БУГУН ШОШИЛИНГ, ЭРТАГА КЕЧ БУЛАДИ!

ҲУЖЖАТЛАР — 1 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

1 давра — шу йилнинг июнь ойида;  
II давра — август ойида ўтказилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 64-83-12.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!  
МАНЗИЛИМИЗ: Солнечный даҳаси, 256-мактаб.

Мухаррир  
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:  
қабулхона — 33-53-76,  
хатлар — 33-29-70,  
33-53-79;  
эълон ва тижорат  
хабарларини  
маълумотларини  
бўйича  
— 33-81-42, 33-55-34,  
33-56-67.

Тошкент шаҳар 49-Солтинганова номидаги ўрта мактаб томонидан Султонов Ботир номига берилган 514567 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Энгельс номидаги 64-мактаб томонидан Аъзамов Баҳодир номига берилган А—513166 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.



ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/III да Афанди Қодирнинг «Шодлик» ашула ва рақс гуруҳининг хонанда ва раққосалари: Инобат ЖОНИЕВА, Гулмира ШИРИНОВА, Шоҳиста ПАРПИЕВА, Раъно ЗОКИРОВА, Ирода СОЙИПОВА иштирок этадилар.

Концерт дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун бюртмалар қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-92-13, 33-67-73.



БИЛАСИЗМИ, ЖАМҒАРМАНГИЗНИ  
ФАҚАТГИНА НАҚД ПУЛ БИЛАН ЭМАС,  
БАЛКИ

НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМ  
ҚУПАЙТИРИШИГИЗ МУМКИН

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган қорхона, ташкилот ёки жамоа ҳўжалигининг муҳосиба бўлимига Жамғарма банкида сақланаётган жамғарма счётингизга пул ўтказиш тўғрисида ариза ёзишингиз лозим бўлади.

Сиз жамғармангизга ойлик маошингиздан, нафақангиздан, белгили хизмат муддатини адо этганлиги учун тўланадиган имтиёз пулидан, суғурта пулидан, давлатга сотилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва воситачи дўқонлар орқали сотилган буюмларнинг пулидан маблағ ўтказишингиз мумкин.

Ўзбекистон Жамғарма банки шахсий бюджетингизни тўғри йўлга қўйиш, даромадларингиздан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва вақтингизни тежашда Сизга ёрдам беради, энг асосийси Сизни нақд пул билан боғлиқ бўлган ташвишлардан халос қилади.

Жамғарма банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ  
МАКТАБ УҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ  
КАНИҚУЛ КУНЛАРИДА

23 МАРТДАН 28 МАРТГАЧА  
СОАТ 10 дан 14.00 гача

билим юртига кириш истагида бўлган 3- ва 6-синф ўқувчилари учун

маслаҳат машғулотларини  
ТАШКИЛ ЭТАДИ

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31-уй (3, 11-троллейбуслар; 97-автобуснинг «Баранов кўчаси» бекати; метронинг «Фазагирлар шоҳқўчаси» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-24-36, 56-05-28, 56-33-27.

ТЕХНИКА ДОРИЛФУНУНИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИҚДА 256-МАКТАБДА  
ЛИЦЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фақат бизнинг мактаб-лицейимиз битирувчиларигина талабалик номга мушарраф бўла олади! Бу эса бизнинг лицейимизга кириш имтиҳонларини топширгандан кейингина мумкин бўлади. 9-синф ўқувчилари (ўзбек ва рус тилларида), 10-синф ўқувчилари (ўзбек ва рус тилларида).

СИЗ БУГУН ШОШИЛИНГ, ЭРТАГА КЕЧ БУЛАДИ!

ҲУЖЖАТЛАР — 1 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

1 давра — шу йилнинг июнь ойида;  
II давра — август ойида ўтказилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 64-83-12.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!  
МАНЗИЛИМИЗ: Солнечный даҳаси, 256-мактаб.

Мухаррир  
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:  
қабулхона — 33-53-76,  
хатлар — 33-29-70,  
33-53-79;  
эълон ва тижорат  
хабарларини  
маълумотларини  
бўйича  
— 33-81-42, 33-55-34,  
33-56-67.

## \* Кўпнинг кенгашига

ҚАДИМ-қадимдан ота-боболаримиз қабристонларга, демакки ўтган аждодлар руҳига иззат-иқром бажо қилиб келганлар. Қабристонларга гуллар экилган, ҳаминча тоза тутилган, қабрлар атрофи ораста бўлган. Ҳатто, у ерда барқ уриб ўсган майсалар, гулу гўёларга ҳам марҳумлар руҳи озор топмасин деб ортқи зарар етказилмаган. Бўлар-бўлмаста қабристонларга кириш, у ерга ипоқ ҳолда қадам босиш гуноҳ саналган. Шунинг учун ҳам шояр:

Эласани руҳини авлодини десанг  
Ўтган авлодининг ҳаминча ёд эт  
деб ниҳо берганида тамомилда ҳақдир.

Кейинги йилларда гузал Тошкент шаҳримиз кундан-кунга янги иншоотлар билан камол топаётгани, юзалб кўчаларга асфальт ётирилиб, ариқлар қурилатгани, истироҳат боғлари барпо бўлаётгани, Шаҳримиз аниқат-гоҳлари ҳам ҳўқимиятига эътиборидан четда қолмай, уларни кишилар ҳурмат билан ташриф буюрадиган боғу бўстонга айлантириш бобида анча ишлар қилинди.

Сўнгги ўн йил ичида шаҳримизда жойлашган зиёратгоҳлар 3300 кубометр бетон девор билан ўралди, 2 миллион квадрат метр асфальт ётирилди, 18000 метр бетон ариқлар бунёд этилди. 11000 метр суғорини шохобчалари қурилди, 300.000 тупдан ортқи турли гул ва даракт кўчатлари ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси ўтган аждодларимиз хотирасига ҳурмат-эътибордир.

Ўзбекистон ҳўқуматининг фармоишига мувофиқ 1986 йилдан эътиборан март ойининг охириги яқнабонда «Бирлик», «Ҳасанбой», «Чигатой дарбоза», «Чимбой», 20 маҳалла, 20 та кўп қаватли уйларда ишовчи мусулмонлар номидан Имом Термизий масжиди имомхатиб Ихёдон ҳўжи Исмон қўри ҳўжини ўғлининг тақдирлари ҳам бор.

Уйлаб қаралса, кўтарилган тақдирларда мангич бор, албатта. Лекин Наврўз тадбирлари орасида, яъни 21 март билан 21 апрель орасида ўтказилмаган маросимларда Хотира кўни ҳам белгиленган. Шу ҳақда ҳамшаҳарларимизга мурожаат этишга дарор қилдик. Маслаҳатингизни дариг тутманг, азизлар!

Ҳўжонабар РАСУЛОВ,  
Тошкент шаҳар фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи.

## ХОТИРА КУНИ

уни қачон  
ўтказганимиз маъқул



ётган майса-ғиёҳлари юлб тақлаш, қишдан тупроғи бўкиб, ивиб чиққан қабрларни тозалашта унинг кўнчи ҳўллари ҳам юз берди. Бу миллий урф-одатларимизга тўғри келмайдиган ҳўлдир. Яна бир гап, миллий анъанамиз Наврўз шодибнасининг қайта тикланиши, бу икки хайрли маросимнинг бир ҳафта мобайнида ўтказилиши Хотира кўнига бўлган эътиборни анча асраётгани, назаримда, Чунки Наврўз сайли расмийида ҳам ҳамшаҳарларимиз ўз аждодларини хотирлаб, қабристонга келишади, турли маросимлар бўлиб ўтади.

Хотира кўнини ўтказиш вақти кўплаб маҳаллаларда ҳам мунозараларга сабаб бўляпти.

АҲДОДЛАРИМИЗ Бир ой давом этадиган табарруку муътабар бўлиш Наврўзини соғинч ва интиқили билан кутиб, унга олдиндан пухта тайёрларлик кўриганлар. Бунда қуйидагиларга қатъий амал қилиб, муҳим юмушларни бажаришган:

Наврўзга қадар уй-жойларни, боғ-роғларни, ариқ-зоғурларни тозалаш, омон-бўйинтурувчилар ва арвақчаларни созлаб, тахт қилганлар, отларини совутганлар, ҳўнларини парвартирилганлар, меза кўчатларини, сара уруғларини ҳўзирлаганлар;

Наврўзга бугдой ундирганлар, сўнг меҳр билан авллар сумалак пиширганлар, ширин орзу-тилак ва инят қилганлар;

Наврўз кўни барча касб-хўнар эгалари ўз устозларидан, табарруқ келсалардан «оқ фотиҳа» олганлар;

кишилар бир-бирларига савоҳат «сандиқини» очиб, хайр-эҳсон қилдилар, кичикларга қариларга, қиз-жувоиларга янги кийим-бош ҳаёда этиб, қувонтирадилар;

бўлиб қолган ота-оналарга, өтим-өсириларга муруват кўрсатадилар;

деч ким гапнинг ўтирмайди, табас-сум улашляди;

арз-гиналарни унутадилар. урушлар тўхтатляди; сўқимайдилар, қарганмайдилар, ғийбат қилмайдилар, самийини оқшом сўхбатларини қурадилар;

Беморларни имкони борича табиат қўнига олиб чиқадилар, уларга Наврўз таомларидан олиб борадилар;

қизлар лапар айтадилар, Янгит-катта-кичиқлар баҳор кўчатлари бўлиши ялпиз (хилбўй, исмаюқ, барғузуб, отқулқоқ, жом-жағ, мачин, семазўт, кийикўт, момажаймоқ, қаврак, андиш, эрман, шўра, йўғичка териб, турли таомлар тайёрлаганлар;

қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, кўни-қўшинлар бир-бирларининг меҳмонга борадилар, меҳрибонлик қилдилар. майхўрликдан жамоатчилик нафратланган.

аждоқларимиз бошқаларнинг қувончига пўтур етказмаслик мулоҳазаси билан Наврўз шодибнаси кўни

ҳатто мотам маросим-маъракаларини ўтказмаганлар;

Наврўз рўза ойларига тўғри келган вақтларда қадимда аждодларимиз кўпгина тадбирларни кечга томон режаллаб, «бозоршоба», яъни тўғри савдо расталари ва сайилларни ташкил этганлар.

Наврўз ойларидега туғилган қақоқларга Наврўз,